

ЯНВАР ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ҚУВОНЧЛАРИ”.

Гуруҳ	Катта гуруҳ					
Мавзу	«Ватан ҳимоячилари» куни					
Оралик	Январ 2-хафта					
Ривож-ланти-риш соҳаси бўйича мақсад	Ҳисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Ватан ҳимоячилари жисмонан бақувват ва соғлом, кучли ҳамда довурак бўлишлари кераклиги ҳақидаги тушунчаларни бериш. Ҳезкорлик, жисмонан бақувват, ташқи муҳитга жавоб қайтариш кўникмаларини шакллантириш.				
	Ўқимой-ҳиссий ривожлантириш	Ватанга муҳаббат, ўз халқидан фахрланиш, ватан ҳимоячиларини ҳурмат қилиш ҳисларини шакллантириш. Ватан ҳимоячилари куни ҳадбирларини ташкил этиш ва тарбияланувчиларга шу касбга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.				
	Ўқуш, ўқиш ва саводга тайёргарлик.	Мавзу юзасидан болалар нутқига янги сўзларни киритиш, «Армия» фаолияти ҳақидаги билимларни бериш, армия ҳаётидан ҳикоялар ўқиб эшиттириш. Мавзу асосида кичик ҳокоя тузишга ўргатиш. Тайёр ҳарфлардан мавзуга оид сўзларни тузишга ўргатиш.				
	Билиш жараёни	Армия ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, ҳарбий ҳизматнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини ва у қай қаражада муҳим касб эканлиги ҳақида маълумотлар бериш. Ўзбекистон тарихига қизиқиш уйғотиш, буюк саркардалар Джалолiddин Мангуберди ва Амир Темурларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан таништириш. Ўзбекистон ҳаритаси билан таништириш.				
	Ижодий ривожлантириш	Ижодий қобилатларини ривожлантириш, намуна ёки натюрморгга қараб расм чизиш қобилатларини ривожлантириш, нафисликка эътибор, табиатнинг турли хилдаги ранглари кўра олишга ва уларни ўз ижодларида намоён қилишга ўргатиш.				
		Ривожлантириш марказлари				
Ривожлантириш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Фронтал машғулотлар(катта доира)						Ресурслар
Мустиқил таълим фаолияти	Қуриш-яаш ва математика маркази	«Палатка» яаш		Ҳарбий ҳизмат техник воситалари учун тураргоҳ қуриш.	Ҳақамлар кетма-кетлигида карточкаларни йиғиш.	Қоғоз, қуриш-яаш жамланмаси, кубиклар, карточкалар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаш маркази	«Ҳарбий шифохона» ўйини		«Биз-чавандозлар», «Биз-денгизчилар» ўйинлари		Ўғоч отлар
	Ўқуш ва савод	«Чегарачилар», «Аскарлар», «Учувчи» расмлари асосида ҳикоя тузиш.		АКТ орқали армияга таъхат.	«Амир Темур», «Джалолiddин Мангуберди» суръатлари ва ҳаёти билан таништириш.	Мавзу асосидаги расмлар.
	Ҳан ва табиат маркази	Предметларни сув юзасида муаллақ туриши			Сувнинг хоссалари	Қопток, шар, термос, сув, целлофан, қум соат, ҳарбий қисм жихозлари
	Таълимий ўйинлар	«Қутқарувчилар», «Нима ортиқча ва нима кам?», «Қўп ва кам» таълимий ўйинлар.	«Агар мен ҳарбий бўлсам....», «Аскарни йўлга қайтар» «Бу ким?» мавзуларида турли хил ўйинлар.		«Хавфли буюмларни топ» «Таёқчалардан самалёт яса»	Мавзу асосида турли карточка ва расм намуналари ёки муляжлар.
	Санъат маркази	«Дадамнинг портрети» расм.		«Чегарачи ва чегара» мавзусида лой иши		Аппликация «Дадам ва бувам учун бўйинбоғ ясаймиз»
Мустиқил таълим фаолияти	Музыка ва ритмика маркази	Марш садолари остида бубон уриб юриш.		«Папа может, папа может все что угодно» музыкаси остида унинг жўрлигига мос бубон туртириш		Барабан ёрдамида «Бравые солдаты» музыкасига жўр бўлиш.
						ДВД, диск, барабан

Январ 2 hafta
«Ватан химоячилари куни».

Қуриш-ясаш ва математика маркази:

Мавзу: “Палатка”

Мақсад: Турли қуриш-ясаш анжомларидан палатка ярата олади, қурувчи меҳнатининг қийин эканлигини билади, яратувчанлик ва ижодкорлик салоҳияти ошади, аниқ режа асосида ишлайди, яратилган жихоз орқали “Мен”ни шаклланади.

Керакли жихозлар: Турли хилдаги қуриш-ясаш анжомлари, мавзу асосида расмли карточкалар, намуна, қуриш кетма-кетлиги тасвирланган чизма.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида расмларни кузатиш.
2. Палаткани йиғиш чизмаси билан танишиш.
3. Палатка қуриш учун жихозларни танлаш.
4. Палаткани чизма асосида йиғиш.
5. Палаткани хоҳшига қўра безатиш.

Қўшимча: Палаткани каттароқ ҳажмда матодан ясаш ва у ерда “Харбийлар ўрмонда” сюжетли-ролли ўйинни ўйнаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болада мавзу ҳақидаги билимларни шаклланганлигига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Харбий шифохона” ўйини

Мақсад: Харбий шифохона ҳақида тушунча эга, шифокор, ҳамшира меҳнати билан таниш. Шифохонада қайси касб ходимлари даволанишлари ҳақидаги билимларга эга.

Керакли жихозлар: мавзу асосида расм, оқ халат, тиббиёт анжомлари, стол, стул, шифокор учун хона.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида расмларни томоша қилиш.
2. Ўйинни тахминий режалаштириш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Қаҳрамонлар қиёфасига кириш.
5. Харбий шифохонага бориш.
6. Доктор қўригидан ўтиш.
7. Доктор билан суҳбат.
8. Даволаш ишлари.
9. Ўйинни якунлаш ва натижани таҳлил қилиш.

Қўшимча: Харбийлар даволанадиган шифохона “Госпитал” деб номланишини, тиббий анжомлардан нима мақсадда фойдаланилиши ҳақидаги қўшимча маълумотларни бериш. МТМ тиббиёт хонасига сайр.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ўйинни қандай режалаштирилиши, ролларни тақсимланиши, жамоада мулоқатга кириша олиши.

Тил ва нутқ.

Мавзу: «Чегарачилар», «Аскарлар», «Учувчи» расмлари асосида хикоя тузиш.

Мақсад: Чегарачи, аскар, учувчи касблари ҳақидаги билимларга эга, касб эгалари қандай фаолият олиб бориши ҳақидаги тушунчага эга, ушбу касб эгаларини ўзида намоиш эта олади. Нуткида янги сўзлар қўпаяди.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида суръатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмларга қараб уларни бир-биридан фарқлаш.
3. Расмдаги касб эгаларини онгида таҳлил қилиш.
4. Касб эгаларининг бажараётган фаолиятини диққат билан таҳлил қилиш.
5. Мавзу асосида кичик хикоя тузиш.

Қўшимча: мавзу асосида шеърлар ёд олиш. Гуруҳда «Харбийлар куни»ни ташкил этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Расмларни тўғри таҳлил қилинишига, касб эгаларини бир-биридан тўғри фарқлашига.

Фан ва табиат.

Мавзу: Предметларни сув юзасида муаллақ туриши

Мақсад: Сув юзасида қандай предметларни муаллақ туриши ҳақида тушунчага эга ва бу предметларни бошқа предметлар орасидан танлаб олади. “Муаллақ” сўзининг маъносини билади. Мустақил равшда тажриба ўтказади.

Керакли жихозлар: Ёғоч тахтача, пластмасса, кубик, қоғоз, мато, целофан, баклажка, идишда сув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Марказдаги турли хил предметларни кўриб чиқиш.
2. Қўл билан ушлаш ва предметларни хусусиятларини билиш.
3. Хар бир предметни сувга солиб кўриш.
4. Сувга чўккан ва чўкмаган предметларни ажратиш.
5. Чўкмай қолган предметларни қайта сувга солиш.
6. Чўкмаслик сабабларини аниқлаш.
7. Тажриба натижалари асосида ўз фикрлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча қисм: Ўтказилган тажриба юзасидан суҳбат. Ташландиқ материаллардан (баклажка) қайиқлар ясаб мусобақа уюштириш.

Санъат маркази.

Мавзу: “Дадамнинг портрети”.

Мақсад: Расм чизиш учун мустақил материал танлайди. Портретларни чизиш қобилиятига эга, танланган мавзунинг ҳаёлан эсга олиб уни қоғозда намоён эта олади. Ички кечинмаларини расмларга тушириб, мулоқотга киришади.

Керакли жихозлар: Турли форматдаги оқ қоғозлар, рангли қаламлар рангли бўёқлар, сув, мўйқалам, салфетка, оилавий фотосуратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни кузатиш.
2. Бажарилиши лозим бўлган ишни режалаштириш.
3. Фаолияти учун зарурий жихозларни танлаш.
4. Ижодий ишлаш.
5. Тайёр ишларга қўшимча безаклар бериш.

6. Фаолиятни якунлаш ва таҳлил қилиш.

Қўшимча: болалар томонидан чисилган расмлар кўргазмасини ташкил этиш. Тайёр портретларни дадаларига совға қилиш таклифини киритиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: болада отасига нисбатан эътиборнинг қай даражада эканлигига, отасининг ташқи кўринишидаги жихатларига тўхталиши.

Куриш-яаш ва математика маркази.

Мавзу: “Харбий хизмат техник воситалари учун тураргох куриш”.

Мақсад: Харбий қисм тураргохларининг оддий тураргохлардан фарқларини билади, тураргохларни яашда қаттиқ ва чидамли, сув ўтмайдиган, ўтда ёнмайдиган жихозлардан куриш керак эканлигини билади, аниқ чамалайди, куриш ва яаш малакалари ривожланади.

Керакли жихозлар: Намуна, мавзу асосида расмлар, кубик, лего, харбий хизмат техник воситалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосидагирасмларни томоша қилиш.
2. Кўрган намуна ва расмлар асосида режа тузиш.
3. Керакли жихозларни танлаш.
4. Фаолиятни бошлаш.
5. Тайёр ишларни муҳокама қилиш ва бошқалари билан солиштириш.

Қўшимча: Тайёр тураргохларга гуруҳдаги жихозларни жойлаб кўриш. Тураргохнинг қай даражада мустаҳкам эканлигини синаш.

Этиборга молик жихати: Қаттиқ, чидамли, сувда чўкмас, ўтга ёнмас ибораларини бола онгига таъсири ва уни ажрата олиш малакасига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Чавондозлар” ўйини

Мақсад: Чавандоз кимлиги ҳақида тушунчага эга, эпчил ва чаққон ҳаракатланади, от спорт тури билан таниш.

Керакли жихозлар: Ёғоч оталар, АКТ воситалари, чавондозлар тасвирланган расм, хипчин, белбоғ, бош кийим.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ воситаси орқали ўйин шартлари билан танишиш
2. Санамалар санаш.
3. Ролларни белгилаш.
4. Сигналга риоя этган ҳолда ўйнаш.
5. Ўйин ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: Болалар бири-бирлари билан ўрин алмашиши мумкин, спорт мусобақаларида шу шартни киритиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болалар жамоа бўлиб дўстона ўйнаши, низоли вазиятлардан айланиб ўта олиши, мустақил қарор қабул қила олиши.

Мавзу: “Биз денгизчилар” ўйини

Мақсад: Денгизчилар кимлар деган саволга жавоб беради, бола луғатига янги сўзлар киради (капитан, боцман, алоқачи), сув транспорти турларини ажрата олади, сув дунёси билан таниш.

Керакли жиҳозлар: Денгизчилар кийими ва бош кийимлари, дурбин, қурол, штурвал (рул), лангар (якорь). Денгизчилар акс этган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Тақсимланган роллар асосида кийиниш.
3. Ўйинни режалаштириш.
4. Ўйинни бошлаш.
5. Ўйин якунида ўзаро суҳбат.

Қўшимча: Ердаги арқоннинг устидан кўзлар боғланган ҳолда мувозанат сақлаб юриш. “Денгизчи итлар” мультфильмини намойиш этиш.

Тил ва нутқ.

Мавзу: АКТ орқали армияга саёхат.

Мақсад: Хизматдаги аскарлар ҳаёти билан таниш, уларнинг кун давомида олиб борадиган фаолиятлари ҳақида тушунчаларга эга, кўрган ведеороликни нутқида баён эта олади, хотира ва диққати ривожланади.

Керакли жиҳозлар: Мавзу асосида DVD дисклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Видеороликни томоша қилиш.
2. Тасвирланган ходисаларни таҳлил қилиш.
3. Кўрганлари асосида аскарлар ҳаётидан қисқа хикоя тузиб бериш.

Қўшимча: «Аскарлар» сюжетли-ролли ўйинини ўйнаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Воқеа-ходисага нисбатан муносабати, мустақил хикоя тузиш малакасини шаклланди.

Фан ва табиат.

Мавзу: Сувнинг хоссалари.

Мақсад: сув ва унинг хусусиятларини билади (совуқ, илиқ, иссиқ, муздак), сувни ушлаш орвали қандай хароратда эканлигини билади ва айта олади. Қандай ҳолатда сувни керакли хароратга келтириш ҳақидаги тушунчага эга.

Керакли жиҳозлар: идишларда турли кўринишдаги қайноқ, совуқ, яхлаган ҳолатдаги сувлар, қоғоз, целофан бўлаклари.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Мавжуд сувларни томоша қилиш.
2. Уларни бирма-бир хароратини ўрганиш.
3. Идишдаги сувларнинг устига қоғоз, целофан бўлақларини ёпиб кўриш.
4. Қоғоз ва целофан бўлақларини сувга ёпиб олингандан кейинги ҳолатини таҳлил қилиш.
5. Дўстлари билан ўзаро суҳбат.

Қўшимча: тарбиячи кўмагида қайнаган сувнинг устига целофан бўлагини ёпиш ва чиқаётган буғни целофан бўлагига урилиб уни сув томчиларига айланиб қолиши ва буғнинг яна қайта сувга айланиб қолиши юзасидан тажриба ўтказиш. Тажриба асосида болага ёмғирнинг қандай пайдо бўлиши ҳақидаги илк кўникмаларни бериш.

Санъат маркази.

Мавзу: “Чегарачи ва чегара” мавзусида лой иши.

Мақсад: Лойдан керакли шаклларни ясайди ва унга ишлов бера олади, тасаввуридаги ғояни мустақил равшда бунёд эта олади, чегарачи касби билан яқиндан таниш.

Керакли жихозлар: Намуна, мавзу асосида расмлар, лой, турли хилдаги бўёқлар, керамик плитка ёки картон квадратлар 20x20 ўлчамда.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва мавзу асосидаги расмларни томоша қилиш.
2. Намуна ва расм асосида ўз олдига қандай сюжетни яратиш мақсадини қўйиш.
3. Мақсад асосида керакли жихозларни олиш.
4. Ижодий иш.
5. Тайёр бўлган сюжетни қуриштириш ёки қотириш.
6. Сжетга ранг ва безаклар бериш.
7. Тайёр ишни таҳлил қилиш.

Қўшимча: Тайёр бўлган ишлардан кўргазма ташкил этиш. “Чегарачилар” сюжетли-ролли ўйинини ўйнаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Инсон қиёфасини лойдан ёки пластилиндан ясай олиш қобилияти, тайёр бўлакларни керамик плитка ёки картонга маҳкамлашдаги усули, мавзуга асосланганлиги ҳамда айнан ўша ранглардан фойдаланганлиги.

Қуриш-яшаш ва математика..

Мавзу: “Сонлар ёрдамида бино йиғиш”.

Мақсад: Математик билимларга эга, 20 гача сонларни танийди, аниқ харита асосида манзилга ета олади, диққати ва хотираси, фикирлаш доираси кенгаяди.

Керакли жихозлар: харита макети, 20 ичидаги сонли карточкалар, 20 ичида сонлар тасвирланган кубик, леғолар, катта ва кичик бинолар расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Катта-кичик бинолар расмларини томоша қилиш.
2. Сонли карточкаларни кўриш ва уларни неччи сонигача эканлиги ҳақидаги маълумотни олиш.
3. Харита асосида иш бошлаш.
4. Кетма-кетликда бинони қуриш.
5. Тайёр бўлган бинони кўздан кечириш ва таҳлил қилиш.
6. Харитадаги намунага таққослаш.

Қўшимча: Бошқа мавзуларда хариталар тақдим этиш ва харита асосида бўш вақтларда қуриш-яшаш фаолияти билан шуғулланишни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Эътиборчанлигига, берилган вазифани кўрсатма асосида бажарилишига.

Тил ва нутқ.

Мавзу: “Амир Темур”, “Жалолиддин Манғуберди” суратлари ва ҳаёти билан танишиш..

Мақсад: Бую саракрдаларни танийди, улар ҳақидаги билимларга эга, тарихдан қисқа маълумотларга эга, “Харбий юриш” иборасини билади ва нутқида саркарда, совут, камон-ёй, ханжар каби янги сўзлар билан бойийди.

Керакли жихозлар:“Амир Темур”, “Жалолиддин Мангуберди” портрети, мавзу асосида расмлар, ДВД дисклар, тарихдаги юришлар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Амир Темур”, “Жалолиддин Мангуберди” портретини томоша қилиш.
2. Мавжуд мавзу асосидаги расмларни томоша қилиш.
3. ДВД орқали намоиш этилаётган лавҳаларни кузатиш.
4. Барча маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш.
5. Тарихий юришларда фойдаланилган қурол-аслаҳалар тасвирланган расмларни томоша қилиш.
6. Мавзу асосида ўзаро дўстлари билан суҳбат.

Қўшимча: “Амир Темур”, “Жалолиддин Мангуберди”ларнинг авлодлари билан таништириш ва ҳикоялар ўқиб бериш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Тарихга бўлган қизиқиши, болада Ватанга нисбатан меҳр туйғуси уйғониши, мардлик ва жасурлик хислатларини шаклланиши.

Санъат маркази.

Мавзу: Аппликация «Дадам ва бувам учун бўйинбоғ ясаймиз».

Мақсад: Совға беришдан мақсади бўлади, оила аъзолари, дўстларига яхши кайфият улашади, уларга хурсандчиликни тилайди, ижодий қобилиятлари ривожланади.

Керакли жихозлар: Оқ қоғоз, рангли қоғоз, елим, қайчи, намуна, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва турли хилдаги ғалстукларни томоша қилиш.
2. Бўйинбоғ ясаш технологияси билан тайёр схемада танишиш.
3. Керакли жихозларни олиш ва қуролланиш.
4. Ижодий иш.
5. Қўшимча жихозлар билан безатиш.

Қўшима қисм: тарбияланувчиларга ҳақиқий ғалстукни тақиб қўйишни таклиф қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади:Боладаги ижодкорлик қобилиятларининг шаклланиши ва уларда совға бериш, совға олиш маданиятининг шаклланиши.